**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Фарғона вилояти хокимининг Жамоатчилик
назорати Кенгаши раиси
______________ Х.О.Комилов
29.06.2023 йил

**Жамоатчилик назорати Кенгашининг 2023 йил 2-чорак давомида амалга оширган ишлари ҳамда йил якуни билан фаолиятимизни режалаштириш бўйича йиғилиш**
**Б А Ё Н Н О М А С И**

*Фарғона шаҳри* *2023 йил 29-июн*

**Раислик қилди:** **Х.О.Комилов**– Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят енгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.
**З.Рахмонов** – Жамоатчилик кенгаши раиси ринбосари. Маҳалла ва Нуронийлар бошқармаси ошлиқ ўринбосари.

**Иштирок этдилар:** Шаҳар туман хокимларининг Мехнат фахрийси, Жамоатчилик кенгаши вакиллари (25 нафар) вилоят хокимлиги фаоллари *(рўйхат илова этилади).*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2023 йил ҳосили учун пахта дала майдонларини ғўза парваришини ўз вақтида назорат қилиш.

2. 2023 йил хосили учун экилган буғдой ўрими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш.

***Х.О.Комилов****– Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.*

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Раис ўз маърузасида 2023 йилнинг 2-чорак давомидаги амалга оширилган ишлар юзасидан ўз маълумотини берди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан 2023 йил пахта хосили учун қадалган уруғ ва униб чиққан кўчатларни парвариши юзасидан вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар юзасига тўхталди. Жорий йил вилоятимизнинг барча туманларида

ғўза парвариши уюшкоқлик билан олиб борилмоқда лекин айрим туманлардаги ғўза парварии талаб даражасида эмас бунга мисол қилиб вилоятнинг Фарғона Фуркат ва Олтиариқ туманларини мисол қилишимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб юқорида кўрсатилган тумнлар вакилларига алохида топшириқлар вазифалар белгилаб берилди. Албатта ушбу йўналишда доимий тизимли ишларни ташкил этиш ғўза кўчатларига агротехник ишлов бериш жараёнларини ҳам доимий назоратда олиб борилишига келишиб олинди.

2023 йил ғалла хосилини йиғиб олиш ва такрорий экин экиш ишларини жадаллаштириш юзасидан вилоятимизда амалга оширилган ишлар юзасидан ўз фикир ва мулохазаларини айтилди. Албатта ушбу сохада хам бир қатор камчиликлар мавжуд бўлганлигини ва ушбу холатларни олдини олиш юзасидан бир қатаор вазифалар белгилаб олинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Фарғона вилоят Жамоатчилик назорат Кенгаши йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2023 йил пахта хосили учун кўчат парвариши юзасидан вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан Фарғона Фуркат ва Олтиариқ туманларидаги вакилларга қўшимча вазифалар юклатилсин.
2. 2023 йил ғалла хосилини йиғиб олиш ва такрорий экин экиш ишларини жадаллаштириш юзасидан вилоятимизда амалга оширилган ишлар юзасидан айтиб ўтилган таклифларни инобатга олиб барча туманларда доимий назоратга олиш вазифаси юклатилсин.
3. Йиғилиш раиси Х.О.Комилов кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлиги ҳамда йиғилиш иштирокчилари ва фаолларига учун миннатдорлик билдирди ва мажлис ўз ишини якунлади деб эълон қилди.

**Йиғилиш котиби** **Х.Рахмонов**